

КЕЛИШУВ

“_____” КШ нинг устав капиталидаги улушни олди-сотдиси тўғрисида

Тошкент ш.

“_____” _____ йил

_____, бундан кейин «Сотувчи» деб номланувчи ва бошқа томондан _____, бундан кейин «Харидор» деб номланувчи, иккинчи томондан биргаликда «Томонлар» деб номланувчилар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонун ва “_____” **КШнинг таъсис ҳужжатларига асосан**, “_____” КШнинг устав капиталидаги улушни сотиб олиш ва сотиш бўйича қуйидаги жараёнларни (кейинги матнда «Келишув»)ни тузиш ҳақида келишдилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ, Сотувчи «_____» КШ устав капиталидаги ўз улушини Харидорга сотиш орқали ўтказди (топширади), Харидор эса ушбу улушни қабул қилади ва ушбу Келишувга мувофиқ тўловни амалга оширади.

Олди-сотди объектининг тавсифи:

а) Сотувчининг Устав капиталидаги улуш: _____ сўм;

б) Улуш сотилаётган корхона номи: КТ «_____»;

Устав капиталининг умумий миқдори: _____ сўм;

в) Сотувчининг устав капиталидаги улуш миқдори: _____ %;

г) Сотувчининг сотаётган улушининг номинал қиймати: _____ сўм;

д) Сотувчининг сотаётган улуш миқдори: _____ %;

е) Сотувчининг сотаётган улушининг қиймат: _____ сўм.

1.2. Сотувчи Харидорга ушбу Келишув бўйича сотилаётган устав капиталдаги улуш учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан холи эканлигини, сотилмаганлигини, гаровга қўйилмаганлигини, баҳсли ёки ҳибсга олинмаганлигини кафолатлайди.

1.3. Улушга бўлган мулк ҳуқуқи Ушбу Келишув кучга кирган ва «_____» КШнинг таъсис ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб Харидорга ўтади.

1.4. Улушни топширгандан сўнг, сотувчи Харидорга қарши ҳар қандай даъволардан, шу жумладан олдинги даврларда киритган ҳиссасига тақсимланган фойда (дивиденд)дан воз кечади.

2. Нарх ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Мазкур Келишув бўйича устав капиталдаги улушни сотиш нархи _____ сўм этиб белгиланди.

2.2. Ушбу шартнома бўйича сотувчининг улушини нархни тўлаш ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида 100% (_____ сўм) миқдорида амалга оширилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек жавобгарлиги

3.1. _____” КШнинг бутун фаолияти давомида Сотувчига тўланмаган дивидендларни, агар мавжуд бўлса, олиш ҳуқуқи Харидорга ўтади.

3.2. Сотувчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

– Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органларида Харидорга барча зарур ҳужжатларни тайёрлашда фаол ёрдам кўрсатиш;

- Мазкур Келишув кучга кирган кундан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида кўрсатилган улуш Харидорнинг мулкига ўтказилганлиги тўғрисида «_____» КШ ижроия органини хабардор қилиш;

- Харидорнинг биринчи талабига биноан таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш.

3.3. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажармаганликлари ва лозим даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни олиб борадилар.

3.4. Томонлар форс-мажор ҳолатлар юзага келса, шу жумладан томонлар таъсир қила олмайдиган ва содир бўлиши учун улар жавобгар бўлмайдиган фавқулодда характердаги ҳодисалар натижасида ушбу келишув шартларини бажаришнинг имкони бўлмаган бўлса, томонлар жавобгар бўлмайдилар.

4. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати

4.1. Ушбу Келишув Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонлар юзага келган низолар ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар. Агар уларни ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, низо Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этилади.

6. Бошқа шартлар

6.1. Ушбу Шартнома фақат томонларнинг ёзма келишуви билан, ушбу шартномага қўшимчалар тузиш орқали ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

6.2. Ушбу шартнома ўзбек тилида тенг юридик кучга эга ва 2 варақдан иборат бўлган уч нусхада тузилган бўлиб, томонларнинг ҳар бирига ва «_____» КШ учун бир нусхадан берилади.

6.3. Ушбу Шартнома бўйича бажарилиши керак бўлган ёки рухсат этилган барча билдиришномалар ва сўровлар ёзма равишда ушбу шартномада кўрсатилган Томонларнинг манзилларига юборилиши керак.

6.4. Ушбу шартнома шартлари ва унга қўшимча битимлар махфий ҳисобланади ва ошкор этилмайди.

6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қиладилар.

7. Томонларнинг манзиллари

Сотувчи

Харидор

ЖШШР: _____
Телефон: _____

ЖШШР: _____
Телефон: _____

Тошкент ш.

“ ____ ” _____ йил

Далолатнома
Қабул қилиш - ҳиссаларни топшириш

“ ____ ” _____ йил санасида тузилган улушни олди-сотди Келишувига га асосан, Сотувчи _____ « _____ » КШ устав капиталидаги _____ сўмлик улушни Харидор _____ га топширди. Харидор эса ушбу улуш учун келишув шартлари асосида тўловни амалга оширди. Мазкур Далолатнома томонларнинг ҳар бири учун биттадан икки нусхада тузилди.

Сотувчи

Харидор

«_____» КШ
раҳбари _____ га
_____ номидан

Ариза

Мен _____ шартнома бўйича ширкатга қўшган
_____ (_____) сўм ҳиссамни _____
билан тузилган _____ шартномага ўтказишингизни сўрайман. _____ ва
ширкатдан ҳеч қандай даъвойим йўқ.

“ ____ ” _____ йил

Ф.И.Ш. _____